

БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

М. М. Байметов

Чирчиқ давлат педагогика университети

АННОТАЦИЯ

Мақолада педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда талабаларнинг касбий фаолликларини ривожлантириш масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: амалиёт, талаба, амалиёт раҳбари, касбий кўникма, амалиёт раҳбари.

WAYS TO INCREASE THE EFFECTIVENESS OF THE WORKING PRACTICE OF FUTURE TECHNOLOGY EDUCATION TEACHERS

ABSTRACT

The article describes the ways of increasing the efficiency of the production practice of future teachers of technological education in pedagogical higher education institutions, as well as the issues of developing the professional activities of students.

Keywords: internship, student, internship supervisor, professional skills, internship supervisor.

КИРИШ

Ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш педагогика олий таълим муассасалари фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Уларда амалга оширилаётган амалиёт талабаларга умумкасбий ва махсус фанлар асослари тўғрисида назарий билим бериш, уларда амалий фаолиятни ташкил этиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиб, бу ўқув йили давомида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш амалиёти муайян дастур асосида талабаларга мазкур фан асосларини ўргатишга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, унинг натижаси талабаларнинг касбга оид билимларни пухта эгаллашлари, касб соҳалари аҳамиятини изоҳлай олиш, тўғри тушуниш каби сифатларнинг шаклланиши билан белгиланади. Ишлаб чиқариш амалиёти талабаларда мавжуд бўлган касбий билимлар асосида фаолиятни ташкил эта олиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган жараён бўлиб, бунда уларнинг бу фан



асосларига оид билимларини мустаҳкамлаш учун шароит яратилади, уларни кундалик фаолиятларида қўллаш кўникмаси шакллантирилади, талабаларнинг касбий фаолликларини ҳосил қилишга эришилади.

Ишлаб чиқариш амалиёти тўлақонли равишда мажбурийлик характериға эға бўлса, уни йўлга қўйишда ихтиёрийлик устувор ўрин тутади. Яъни, олий таълим муассасаси ларда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш соҳасидаги фаолият режасини ишлаб чиқишда объектив шарт-шароитларнинг мавжуд ҳолати, субъектларнинг ички имкониятлари, фаолликлари эътиборға олинади, муайян тадбирни уюштиришнинг муддати юқорида қайд этилган шарт-шароитларға кўра белгиланади.

Юқорида таъкидланганидек, касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришға йўналтирилган ишлар кенг кўламда амалға оширилайётган мавжуд шароитда ишлаб чиқариш амалиётини ягона тизим асосида ташкил этишға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тизим доирасида ишлаб чиқариш амалиёти сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, мустақил ҳаётға қадам қўяётган, муайян касб эғаллаётган талабаларға микросоциумда муносиб ўрин топишлари учун касбий билимдонлик ниҳоятда зарур.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришға доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812 фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги “Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизимини тартибға солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш профессионал таълим тизимини илғор хориж тажрибалари асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнға иш берувчиларни кенг жалб қилиш каби турли масалалар очиб беришға қаратилган.

“Касб-хунар коллежларида ўқув амалиётини ташкил этиш методикаси”. (Мавлянов.А., Абдалова.С., Юлдашев.Х.О.) Амалиёт раҳбарлари ва масъуллари томонидан амалиёт ўташға жалб қилинган ўқувчиларни ишлаб чиқаришдаги малакали мутахассисларға бириктириш

учун маркетинг изланишларини ўтказиш ва шу каби муаммолар ечими ўз аксини топган.

Педагогика олий таълим муассасаларида ишлаб чиқариш амалиётининг самарадорлигини ошириш назарий жиҳатдан ишлаб чиқиладиган дидактик ёндашувлар мажмуидан иборат бўлиб, ушбу жараёнда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим: ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлигини ошириш имконини берувчи дидактик шарт-шароитларнинг педагогика олий таълим муассасаларида мавжуд эканлигини аниқлаш; ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишнинг мазмуни ҳамда изчил тизимини ишлаб чиқиш; самарали ишлаб чиқариш амалиётини йўлга қўйиш имконини берадиган ўқув-методик адабиётлар мажмуини яратиш; ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишга махсус педагогик маълумотларга эга бўлган амалиёт раҳбарлари жалб этиш; уларнинг педагогик ва касбий билимларини мунтазам ошириб боришларига эришиш; уларда ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувни шакллантириш; ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида талабаларнинг фаоллик кўрсатишларини таъминлаш йўллари аниқлаш, уларда касбга оид билимларни мустақил ўқиб-ўрганиш кўникмасини ҳосил қилиш; талабаларда касбий билимларни эгаллашга нисбатан қизиқиш ва рағбатнинг шаклланишини таъминлаш; узлуксиз таълим тизимининг бошқа муассасалари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилишига эришиш; ишлаб чиқариш амалиётини муваффақиятли ташкил этиш соҳасидаги тажрибаларнинг оммалаштирилишини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Педагогика олий таълим муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётининг самарадорлигини оширишда қуйидаги тамойилларга амал қилиш муҳим:

- ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари бирлиги ҳамда узвийлиги. Педагогика олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари бирлиги ҳамда узвийлигининг таъминланишида талабалар томонидан касбий билимларнинг чуқур эгалланиши, уларни амалий фаолиятга татбиқ эта олиш кўникмасининг шаклланишини таъминлаш билан бирга уларда касбий малакаларнинг ривожланишига замин ҳозирлайди;

- ишлаб чиқариш амалиётининг илмий-амалий асосга эга эканлиги. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунлар олий таълим муассасаси ларда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш амалиётининг методологик асосини ташкил этади;

- ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишга мужассам ёндашув. Педагогика олий таълим муассасаларида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш амалиётини махсус хона ёки

полигонларда ҳамда таълим муассасасидан ташқари шароитда ягона тизим доирасида олиб борилишини назарда тутди;

- ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда ўзаро ҳамкорликка эришиш. Педагогика олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида узлуксиз таълим тизимининг бошқа муассасалари вакиллари жалб этиш, ушбу ташкилотлар имкониятларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида талабалар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини қуйидаги мезонлар асосида аниқлаш мақсадга мувофиқ: талабанинг асосий касбий тушунчалар мажмуини ажратиб, моҳиятини ёритиб бера олиши, муайян меъёрлар ёки қоида талабларига амал қилиши, амалиётда фаол иштирок этиши. Амалиёт раҳбарларининг ишлаб чиқариш амалиётини самарали ташкил эта олиш борасидаги фаолиятларининг муайян даражасини қуйидаги ўлчовлар асосида белгилаш мумкин.

Тарбия ишларини олиб бориш маҳорати уларнинг юксак алоқий фазилатига, маънавий савиясига, мафкуравий қарашларига асосланади. Талабаларда дунёвий тафаккурни шакллантириш, миллий ва умуминсоний кадрлар руҳида тарбиялаш, улар онгида миллий истиқлол ғояларини сингдириш жараёнлари уларнинг касбий маҳоратига бевосита боғлиқ.

Ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида инсон омилини таъминловчи амалиёт раҳбарларининг шахсий фазилатлари: талабчанлик ва адолатлилик, фидойилик ва ҳалоллик, хайрихоҳлик, киришимлилик, ҳазил-мутоиба ҳиси ва жиддийлик. Ушбу фазилатлар уларни устоз даражасига кўтаради, талабалар олдида обрў-иззатни оширади, унинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳоратига ижобий таъсир кўрсатади. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини объектив назорат қилиш ва баҳолай олиш маҳорати, ишлаб чиқариш амалиёти жараёнининг самарасини белгиловчи натижавий сифат кўрсаткичидир. Амалиёт раҳбарлари талабалар билимини назорат қилишнинг объектив ва субъектив методларини мукамал билиши, қўллаш олиш, рейтинг тизимини жорий этиш маҳоратига эга бўлиши лозим. Мавжуд тадқиқотларга таянган ҳолда олий таълим муассасалари амалиёт раҳбарлари муҳим касбий сифатларини олим, педагог, тарбиячи нуқтаи назаридан тавсифлаш мумкин:

Ўқув-педагогик фаолият ўқув жараёнининг ташкил этилишига йўналтирилган. Ўқув жараёни учун барча

педагогика олий таълим муассасаларидаги каби ўқув ва илмий-тадқиқот жиҳатларни узвий чоғиштириш, тингловчиларнинг фаоллигини ва мустақиллигини, шахс сифатида ижодий салоҳиятини таъминлаш характерлидир. Педагог фаолиятида янги қонуниятларни очиш билан боғлиқ назарий ҳамда аниқ вазиятларни юзага келтириш, педагогик вазифалар тизими ечишга қаратилган амалий фаолият кўшилиб кетади. Ўқитувчи аниқ предмет бўйича ўқитиш мақсади ва вазифаларини аниқлайди, ўқитишнинг мазмунини саралайди, фаол методларни тингловчиларнинг билиш фаолиятига мос ҳолда танлайди, назарий турини аниқлайди.

Ушбу талаблар педагогика олий таълим муассасаларидаги ишлаб чиқариш амалиётининг ташкил этилишига нисбатан янгича ёндашув зарурлигини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлигини оширишга эришиш жараёнида унинг мазмуни, даражаси, шунингдек, педагогика олий таълим муассасаларида бу борадаги ўрни ўзига хос аҳамият касб этади. Чунки, улар ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлигини ошириш борасида катта имкониятларга эга. Бу соҳада бой тажриба ҳам мавжуд бўлиб, бу ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлигини ошириш жараёнининг тезлашувини таъминлайди.

Ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда унинг ўтказилиш вақтини тўғри танлаш, унга мос келадиган олий таълим муассасаси ва ундаги шарт-шароитнинг, малакали амалиёт раҳбари кадрларни етарлилиги, талабанинг тайёргарлиги кўзланган мақсадга эришишда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун энди ишлаб чиқариш амалиётининг ташкилий масалаларига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишда унинг ўтказилиш вақтини тўғри танлаш, унга мос келадиган жойни ва ундаги шарт-шароитнинг, малакали кадрларни етарлилиги, кўзланган мақсадга эришишда муҳим ўрин тутади.

ХУЛОСА

Бугунги кунда олий таълим муассасасилар баркамол шахс, малакали мутахассисни етиштиришда муҳим бўғин бўлиб ҳисобланади. Уларнинг амалиёт жараёни илғор, замонавий техника ва ўқув жиҳозлари, малакали педагог ходимлар билан таъминланган. Бу эса ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш амалиёти Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касб бўйича умумкасбий ва махсус



фанларни онгли ва пухта ўрганишга тайёрлаш, уларнинг танланган мутахассислик бўйича амалий касб лаёқати ва кўникмаларини эгаллаши учун ўтказилади.

Ишлаб чиқариш амалиёти қоидага кўра, амалиёт раҳбарлари томонидан ўтказилади. Ишлаб чиқариш амалиёти рўйхати олий таълим муассасаси томонидан белгиланади

Ишлаб чиқариш амалиёти якунида талаба ўз ҳисоботини олий таълим муассасаси томонидан тайинланган комиссия олдида ҳимоя қилади. Ишлаб чиқариш амалиёти натижаси баҳоси талабанинг курсдан курсга ўтишда ҳисобга олинади. Ишлаб чиқариш амалиёти якуни олий таълим муассасаси нинг услубий кенгашида муҳокама қилинади. Олий таълим муассасаси илмий кенгашида амалиётнинг натижаларига якун ясалади. Ишлаб чиқариш амалиёти дастурини бажармаган, иши ҳақида қониқарсиз тақриз ёки ҳисобот ҳимоясида қониқарсиз баҳо олган талаба таътил вақтида ўз ҳисобидан қайта амалиёт ўтишга жўнатилади.

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган иш талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар, иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирига тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорлардаги янгиликлар ва ишнинг бошқа ижобий топган материаллар асосида, ишни талаба томонидан ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади. Агар кафедра мудирини талабанинг ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, раҳбар иштирокида муҳокама этилади.

REFERENCES

1. Мавлянов.А, Абдалова.С, Юлдашев.Х.О, “Касб-ҳунар коллежларида ўқув амалиётини ташкил этиш методикаси”. Ўқув услубий қўлланма. –Т.: Фан ва технология, 2014. -162 б.
2. Байметов М.М. (2021) Касб-ҳунар мактабларида ўқув амалиётларини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш йўллари. – Academic Research in Educational Sciences, VOLUME 2 | ISSUE 4 | 2021 1190-1195.
3. Байметов М.М. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари интеграциясини таъминлашнинг дидактик тамойиллари. - Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў. №1/1 2022.
4. Хамидов Ж.А., Байметов М.М. Касб - ҳунар мактабларидаги амалиётлар билан ишлаб чиқариш жараёни кластерини таъминлашнинг назарий методик асослари. - "Экономика и социум" №12(91) 2021
5. Хамидов Ж.А. “О некоторых формах методах трудового воспитания младших школьников”. – Academic Research in Educational Sciences №2(81)2021.

